

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №340-1-18-МТ/2022

Баликчи

«05» сентябр 2022 ийл

Ушбу пудрат шартномаси «*Буюртмачи*» деб аталувчи Баликчи туман Мактабгача таълим бщлими ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи раҳбари *Ф.Абдуразаков* бир томондан ва «*Пудратчи*» деб аталувчи NEW HOUSE 5555 МСНJ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи раҳбари *М.Камбаров* иккинчи томондан келишув асосида амалдаги конунларга мувофик тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «*Пудратчи*» мазкур шартнома шартларига мувофик «*Буюртмачи*»нинг топшириғига асосан 24 МТТ истиш тизимини жорий таъмирлаш ишларини бажарип беради.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «*Буюртмачи*» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг карори билан тасдиқланган ишлар киймати (барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда) га асосан жорий нархларда шартнома умумий суммаси 37280674 (ўттиз етти миллион икки юз саксон минг олти юз етмиш тўрт) сўмни ККС сиз ташкил этади. Бюджет маблағлари сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар киймати узил кесил хисобланиб, фақатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор холатлари сабаб бўлганида кайта кўриб чикилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Газначилик тизимидан рўйхатдан ўтиб, 30 банк иш кунида «*Буюртмачи*» томонидан бажариладиган ишлар умумий кийматининг 30% ини, яъни 11184202 (ун бир миллион бир юз саксон тўрт минг икки юз икки) сўмини олдиндан аванс тарикасида «*Пудратчи*»нинг хисоб ракамига ўтказиб беради.

2.4. Колган 70% и, яъни 26096472 (йигирма олти миллион тўксон олти минг турт юз етмиш икки) сўмини «*Пудратчи*» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 90 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.5. «*Буюртмачи*» охирги тўловни «*Пудратчи*» томонидан иш тўлик бажарип топширилиб, кабул килиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар «*Буюртмачи*» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «*Пудратчи*»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган обьектни «*Буюртмачи*»дан далолатномага асосан кабул килиб олади.

Мазкур шартномада илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 60 кун муддатда ишларни бажарип топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета хужжатларига мувофик, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «*Буюртмачи*» га мазкур шартнома шартларига мувофик топширади.

3.2. «*Пудратчи*»нинг хукуклари

Бажарип берилган иш учун олдиндан аванс ҳак тўланишини ва ишни бажарип топширгандан сўнг тўла хажмда хисоб китоб килинишини талаб килиш;

Бажарип берилган ишни кабул килиб олиш асосизиравишида рад этилиши натижасида етказилган заарни, копланишини талаб килиш;

3.3. «*Буюртмачи*»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вактида ҳак тўлаш;

3.4. «*Буюртмачи*»нинг хукуклари

«*Пудратчи*»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

Камчиликларни белул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини копланишини талаб килиш;

«*Пудратчи*»дан шартномада курсатилган ишларни кабул килиш комиссияси иштирокида лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган холда кабул қилиб олиш;

«*Пудратчи*» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини назорат килиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Пудратчи ишларни бажаришда шартнома шартларини бузгандা, яъни ишларни бажариш муддатларини кечиктириб юборса, тулик етказиб бермаса, кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди. Лекин туланадиган пеня умумий суммаси етказинб берилмаган ишларни бажариш умумий суммасининг 50 фоизидан ортмаслиги керак.

4.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишларга оид тулов ва ишларни бажарганинги тугрисидаги бошка хужжатлар уз вактида, яъни бажариладиган ишлар билан бирга ташкилотга тақдим этилмаса, хар бир холат учун етказиб берилаётган бажарилган ишлар кийматининг 1 фоизи микдорида жарима тулади.

4.3. Пудратчи томонидан бажарлиганинги уз вактида ва белгиланган талаблар асосида етказиб берилганда ташкилот уларни асоссиз равишда кабул килимаса, кабул килинмаган бажариладиган ишларнинг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган бажариладиган ишлар буйича эса 10 фоизи микдорида жарима тулади.

4.4. Тулов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунилай ёки кисман рад этганлик, шунингдек хисобкитобнинг бошка шаклларида бажариладиган ишлар хакини тӯлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тулов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи (буюртмачи) ишларни бажарувчига ўзи тӯлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тулади.

Бажариладиган ишлар учун ташкилот томонидан уз вактида туловлар амалга оширилмаса, яъни ушбу шартноманинг 2.4- булими бузилганда, тулов кечикирилган хар бир кун учун кечикирилган тулов суммасининг 0.4 фоизи микдорида пеня тулади. Лекин туландиган пенялар умумий суммаси кечикирилган тулов суммасининг 50 фоизи микдоридан ошиб кетмаслиги керак.

4.5 Агар етказиб берилган бажарилган ишлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи бажарилган ишларни кабул килиш хамда уларнинг хакини тӯлашни рад этиб. Пудратчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган бажарилган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар бажарилган ишлар хаки тўлаб кўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талааб киласди.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки кисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Конун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чикилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофик ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкун бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро мухокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро мухокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Конун хужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди оркали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Газначилик тизимидан рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 31 декабр 2022 йилгача амал киласди.

7.2. Шартнома 2 нусхала тузилиб, иккала нусхаси ҳам хукукий жихатдан тенг кучли хисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

NEW HOUSE 5555 МСН

(хизмат кўрсатувчи номи)

Адрес: **Балиқчи тумани Гузар МФЙ 736 уй**

Тел./факс +998-33-007-17-07

х/р 20208000805535841001

Банк номи ОАТБ микрокредит банк
МФО_00078 ИНН_309621755
ОКОНХ

Рахбар  М.Камбаров
(Ф.И.Ш)



«БУЮРТМАЧИ»

Балиқчи тумани Мактабгача таълим бўлими

(бюджетдан маблаг олувланинг номи)

Адрес: Балиқчи тумани

Тел./факс 99-4341450 97-9767967

ш/х* 100022860032067091100251030

ш/х*

ИНН 305155579

ОКОНХ 92310

Балиқчи тумани бўйича Газначилик бўлинмаси
Газна к/р:23402000300100001010

СТИР: 201122919 МФО:00014

Марказий банк Тошкент ш. Б.б ХКМ

Рахбар 
(имзо) Ф.Абдуразакова
(Ф.И.О)



БАЛИҚЧИ ТУМАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БҮЛИМИ NEW HOUSE 5555 МЧНЖ ЎРТАСИДАГИ
ИССИКЛИК ТИЗИМНИ ЖОРИЙ
ТАЪМИРЛАШ ШАРТНОМАГА 1-илова


| № П/П | НАИМЕНОВАНИЕ ЗАТРАТ | 1 СТОИМОСТЬ В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ (ТЫС. СУМ) |
|----------|---|--|
| 1 | ЗАТРАТЫ НА ОСНОВНУЮ ЗАРАБОТНУЮ ПЛАТУ С УЧЕТОМ НАЧИСЛЕНИЙ НА СОЦИАЛЬНОЕ СТРАХОВАНИЕ | 3 854,555 |
| 2 | ЗАТРАТЫ НА ЭКСПЛУАТАЦИЮ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ | 408,022 |
| 3 | ЗАТРАТЫ НА СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ, ИЗДЕЛИЯ И КОНСТРУКЦИИ | 4 129,053 |
| | ИТОГО ПРЯМЫХ ЗАТРАТ | 8 391,630 |
| 4 | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ХАРАКТЕРА - | |
| 5 | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПОДРЯДЧИКА 18,7% | 1 570,074 |
| | ИТОГО | 9 961,703 |
| 6 | ЗАТРАТЫ НА ОБОРУДОВАНИЕ, МЕБЕЛЬ И ИНВЕНТАРЯ | 27 318,97 |
| | ИТОГО | 37 280,674 |
| 7 | ЗАТРАТЫ НА СТРАХОВАНИЕ СТРОИТЕЛЬСТВА ОБЪЕКТОВ >00% | |
| 8 | КОЭФФИЦИЕНТ РИСКА . | |
| 9 | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ЗАКАЗЧИКА | 0,000 |
| | ВСЕГО СТОИМОСТЬ В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ БЕЗ НДС | 37 280,674 |
| 10 | НДС 0% | 0 |
| | ИТОГО СТОИМОСТЬ В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ С НДС | 37 280,674 |
| | ВСЕГО СТОИМОСТЬ В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ "НДС" | 37 280,674 |

Мактабгача таълим бўлими муддати

NEW HOUSE 5555 МЧНЖ раҳбари

Ф.Абдуразакова

М.Камбаров



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**
№ UE20364443

1. Loyihaning turi

Shartnomma

2. Loyihaning nomi

Pudrat shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Baliqchi tuman mактабгача та’лим бо‘лми томонидан 05.09.2022

4. Mas‘ul ijrochi

Baliqchi tuman adliya bo‘limi yuridik xizmat ko‘rsatish markaziga 2022-yil 05-sentyabr kuni “E-Huquqshunos” elektron tizimi orqali Baliqchi tuman maktabgacha ta’lim bo‘limi tomonidan tumandagi 24-Maktabgacha ta’lim tashkilotini isitish tizimini mukammal ta’mirlash ishlarini bajarib berish to‘g‘risida “AND NEW HOUSE 777” MChJ bilan tuzilgan pudrat shartnomasi loyihasi ekspertizadan o‘tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan. Shartnomani o‘rganish davomida quyidagilar aniqlandi:

O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 379-moddasiga ko‘ra, agar shartnomaning mazmunidan boshqacha tartib anglashilmasa, u kim oshdi savdosini o‘tkazish yo‘li bilan tuzilishi mumkin. Shartnomma kimoshdi savdosida g‘olib chiqqan shaxs bilan tuziladi. Shuningdek, kimoshdi savdosida g‘olib chiqqan shaxs va kimoshdi savdosining tashkilotchisi auksion yoki tanlov o‘tkazilgan kuni kim oshdi savdosining natijalari to‘g‘risida bayonnomma imzolaydilar, bu bayonnomma shartnomma kuchiga ega bo‘ladi. Qolaversa, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 20.05.2022-yildagi “Davlat xaridlarini amalga oshirish bilan bog‘liq tartib-taomillarni tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori bilan tasdiqlangan “Davlat xaridlarini amalga oshirish bilan bog‘liq tartib-taomillarni tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risida”gi nizomning 161-bandiga ko‘ra tender natijalari bo‘yicha shartnomma tender bo‘yicha xarid qilish hujjalarda va shartnomma tuzilayotgan tender ishtiroychisi tomonidan berilgan taklifda ko‘rsatilgan shartlar asosida g‘olib aniqlangan vaqtidan boshlab o‘n ish kunidan kechiktirmasdan tuziladi.

Pudrat shartnomasi loyihasi joriy yilning 2022-yil 05-sentyabr kuni huquqiy ekspertrizaga yuborilgan. <https://etender.uzex.uz/> elektron savdo tizimi orqali 140227 raqamli lot bilan o‘tkazilgan tanloving g‘olib aniqlangan vaqt 26.08.2022-yil. Bundan ko‘rinadiki, mazkur pudrat shartnomasi “Davlat xaridlarini amalga oshirish bilan bog‘liq tartib-taomillarni tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risida”gi nizomning 161-bandи talablariga rioya etgan holda yuridik xizmat ko‘rsatish markaziga ekspertizadan o‘tkazish uchun yuborilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra


XULOSA QILAMAN:

Baliqchi tuman maktabgacha ta'lif bo'limi tomonidan Baliqchi tuman maktabgacha ta'lif bo'limi tomonidan tumandagi 24-Maktabgacha ta'lif tashkilotini isitish tizimini mukammal ta'mirlash ishlarni bajarib berish to'g'risida "AND NEW HOUSE 777" MChJ bilan tuzilgan pudrat shartnomasi loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 379, 631-moddalari, "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi va "Davlat xaridlarini to'g'risida"gi Qonunlar hamda "Davlat xaridlarini amalga oshirish bilan bog'liq tartib-taomillarni tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi nizomning 161-bandi talablariga mos ravishda ishlab chiqilganligi inobatga olinsin.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

05.09.2022

Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi boshyuriskonsulti:



S. Mirzakulov